“Ўзбекистон республика валюта биржаси” акциядорлик жамияти 2025 йилдаги корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш мақсадида профессионал хизматларни тақдим этувчи мустақил ташкилотни танлаш бўйича танлов эълон қилади

Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сонли баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув Кодексининг 36-бандига асосан “Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ (ЎзРВБ) 2025 йилдаги корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш мақсадида профессионал хизматларни тақдим этувчи мустақил ташкилотни танлаш бўйича танлов эълон қилади.

Танловда қуйидаги ташкилотлар қатнашишлари мумкин:

а) қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари;

б) штатида корпоратив бошқарувчи ёки қимматли қоғозлар бозори мутахассисининг тегишли сертификатига эга бўлган мутахассиси мавжуд аудиторлик ташкилотлари;

в) корпоратив бошқарув илмий-таълим марказлари;

г) “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси”.

Танлов иштирокчилари қуйидаги мезонларга жавоб бериши лозим:

- шартномани бажариш учун зарур бўлган техника, молиявий, моддий, кадрлар ресурслари ва бошқа ресурслар мавжудлиги;
- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалиги;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;
- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;
- “буюртмачи” билан суд ёки арбитраж муҳокамаси мавжуд эмаслиги;
- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар:

- қимматли қоғозлар бозорида 3 (уч) йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга бўлиши;
- штат таркибида амалдаги қимматли қоғозлар бозори бўйича мутахассис аттестатига эга бўлган камида 1 (бир) та қимматли қоғозлар бўйича мутахассис мавжудлиги;
- иштирокчига нисбатан аввал корпоратив бошқарув тизими баҳоланган акциядорлик жамиятлари томонидан салбий фикрлар мавжуд эмаслиги;
- иштирокчига нисбатан ижобий баҳо берилган тавсия-хатлари (камида битта) мавжудлиги.

Танлов таклифлари муҳрланган конвертда қуйидаги ҳужжатларни ўз ичига олган ҳолда тақдим этилиши лозим:

- танлов иштирокчисининг танловда иштирок этиш бўйича баҳолаш хизматининг дастлабки қиймати кўрсатилган таклифи (муҳрланган конвертда тақдим этилади);
- давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
- тегишли лицензиянинг нусхаси (мавжуд бўлганда);

- қимматли қоғозлар бозорининг мутахассиси малака гувоҳномасининг ва (ёки) корпоратив бошқарувчи малака гувоҳномасининг нусхаси;

- ташкилот тўғрисида маълумот;

- энг йирик мижозлар рўйхати.

Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш учун талаб этиладиган муддат:

Шартнома асосида олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг, 15 иш куни ичида.

Тўлов шартлари:

50% - олдиндан тўлов, қолган 50% - бажарилган ишлар далолатномаси имзолангандан сўнг.

Танлов ҳужжатларини тақдим этишнинг охирги муддати:

2026 йил 5 март, соат 15:00 (маҳаллий вақт бўйича) гача.

Белгиланган вақтдан кейин тақдим этилган ҳужжатлар ҳақиқий ҳисобланмайди ва муҳокамага киритилмайди.

Жамият учун жозибадор бўлган шартларни таклиф этган иштирокчи “ЎзРВБнинг 2025 йилдаги корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш” бўйича танлов ғолиби деб ҳисобланади.

Мазкур танлов натижалари ЎзРВБнинг бошқарув органи (Кузатув кенгаши)га кўриб чиқиш учун тақдим этилади ҳамда кўриб чиқиш натижаси бўйича мустақил ташкилот билан шартнома тузилади.

Танловда қатнашиш учун таклифлар:

“Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖнинг қуйидаги манзилига юборилади:

100084, Ўзбекистон, Тошкент ш., Ш. Рашидов кўчаси, 4-уй.

Алоқа учун телефон рақамлари:

+ 998 55 501-33-02

(ички рақам: 117 – Жамшид Худойбердиев; ички рақам: 105 – Хайрулла Атаджанов)

Электрон манзил: info@uzrvb.uz; Веб-сайт: www.uzrvb.uz

Бош директор **Р.Р.Усманов**